

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**“Донни қайта ишлаш ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришнинг
замонавий технологиялари” кафедраси**

Рўйхатга олинди
№ _____ “___” _____ 2012 йил
ООТ факултети декани
_____ доц. Р.Т.Адизов

Химояга рухсат берилди
“___” _____ 2012 йил
“ДҚИ ва НМИЧЗТ” кафедраси
муdiri _____ доц. Р.А.Хаитов

**“Дуккакли ўқимликлар” мавзуси бўйича замонавий таълим
технологияси асосида мажмуа яратиш мавзусида**
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

6-08 МООТ гуруҳи талабаси
Акрамова Матлаб

Илмий раҳбар

т.ф.н., доц. Эргашев Х.Б.

Хаёт фаолияти хавфсизлиги
бўйича маслаҳатчи:

доц. М.Қурбонов

Хисоб тушинтирув ёзуви:

“___” бет

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. МАВЗУГА ОИД НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТАХЛИЛИ.....	6
1.1. «Жамият – таълим» тизимининг ривожланиш босқичлари.....	6
1.2. Таълимни ташкил этиш шакллари.....	7
1.3. Ўқув жараёнини ишлаб чиқиш.....	9
1.4. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	11
1.4.1. Модулли ўқитишнинг моҳияти	11
1.4.2. Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси	11
1.5. Технологик харита.....	14
1.6. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини баҳолаш турлари ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари.....	17
1.6. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини баҳолаш турлари ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари	17
2. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНING МАХСУС ФАНЛАРНИ УҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	20
2.1. “ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР” мавзуси бўйича намунавий модул..	20
2.2. НАЗАРИЙ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	22
IV. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	32
3. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА КИЛИШ КИСМИ.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	40

КИРИШ

Фан, техника ва технологиянинг ўтган асрнинг ўрталаридаги ютуқлари, шубҳасиз замонавий илмий техник тараққиёт учун замин яратди.

XX асрда айниқса унинг иккинчи ярмида фан тараққиётининг суръати, ўзининг энг юқори чўққисига эришди. Бу даврда тўпланган илмий маълумотлар, инсониятнинг бутун тарихи давомида тўпланган билимлар ҳажмининг $\frac{3}{4}$ қисмидан ортиғини ташкил этади. Назарий ва амалий фанларга олинган инқилобий натижаларнинг оламшумул ютуғи - бу космос ва ядро энергеясининг ўзлаштирилишидир.

Фан, техника, технологиянинг ушбу самарали тараққиёти янги илм талаб ишлаб чиқариш жараёнларини вужудга келишга ва узлуксиз ривожланишига, чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшиланишига ва ҳажмини ошишига олиб келди. Табиийки ишлаб чиқариш усуллариини ўзгариши, таълим соҳасидаги тегишли ўзгаришларни тақозо этади.

XVII асрда оммавий саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши, кўплаб дарсликларни чоп этиш имконияти ва эҳтиёжини туғдирди ва шу асосда оммавий мактаб тизимини шаклланишига замин яратди. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва телекоммуникацион тизимлар самарали ўргатувчи техник воситалар вазифасини бажараётган бир пайтда, бу воситалар бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланган бир пайтда, ақлий меҳнатни автоматлаштириш реал жараёнлари амалга оширилаётган бир пайтда, ишлаб чиқаришнинг ишчи ўринлари ўрта маълумотли мутахассисларга мўлжалланган бир пайтда, ишлаб чиқаришнинг айрим илмталаб тармоқлари ишчи ўринларининг қарийб ярми олий маълумотли мутахассисларга йўналтирилган бир пайтда, олий таълимнинг оммавийлик даражаси ўсиб, ўрта махсус касбий таълим, умумтаълимга айлана боради.

Ушбу тенденцияни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларида мажбурий 12 йиллик таълим: 9 йил умумтаълим мактабида, 3 йил академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқиш кўзда тутилган. Бунда касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг 90% таълим олиб, маълум касбга ва 1...3 ихтисосликка эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига қабул битирувчи ёшларнинг тахминан 10% ни ташкил этади, ривожланган демократик давлатларда эса бу кўрсаткич 30-35% гача ўсди.

Шу билан бир қаторда илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги босқичи, ўзига хос, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ташкил этишга олиб келди.

Шундай қилиб, замонавий жамият, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларининг кенгайиши натижасида таълим оммавийлигини ўсиши билан характерланади.

Таълим оммавийлигини ўсиши педагог касбини оммавийлигини ўсишига олиб келади. Аммо маълумки, педагог касби энг мураккаб

касблардан бири ҳисобланади. Ҳақиқий педагог бўлиш учун бундан ташқари педагогик қобилият ҳам зарурдир. Педагогик қобилиятли кишиларнинг сони чекланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизимида, бу қобилиятга тўла эга бўлмаган кўп сонли кишилар қамраб олинаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Юқори суръатларда ривожланаётган фан, техника ва технологиялар шароитида, замонавий жамиятда, педагог касбининг янада мураккаблашувини қайд этиш зарурдир.

Илмий техник тараққиётнинг жадаллашуви, илмий-техник ахборотларнинг жадал ўсишига ва янгиланишига олиб келди, бу эса ўз навбатида кўчкисимон кўринишга эга бўлади. Дунёда ҳар йили юз минглаб китоблар журналлар чоп этилади, юз минглаб диссертациялар ҳимоя қилинади, Интернет глобал тармоғидаги ахборотлар оқимини амалда ўлчаб бўлмайди. Оммавий таълимнинг бундай шароитида, қандай қилиб замонавий талабларга, таълим стандартлари талабларига мос мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мумкин?

Илмий-техник тараққиёт жадаллашуви даврида, XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган «Педагогик технология» фани мазкур муаммони ечади. Оммавий таълим шароитида, педагогик технологиялар – ҳар бир босқичи ва ҳар бир элементи жиддий асосланган, объектив ташхисланишига, қафолатланувчи пировард натижага мўлжалланган - педагогик жараёни тузиш ва рўёбга чиқариш имкониятини беради. Педагогик технологиялар, замонавий жамиятнинг таълим тизимида бевосита ишлаб чиқариш кучига айланади.

«Технология»нинг фан сифатида вужудга келишига – XVII асрда, саноат ишлаб чиқаришини пайдо бўлиши металлургия, машинасозлик, жумладан саноат жиҳозлари, пароход, паровоз, ўқ отувчи қуролларни ишлаб чиқариш жадал ривожлана бошланиши, сабаб бўлди.

Бундай мураккаб ва меҳнатталаб машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришни, фақат технологик жараёни аниқ ишлаб чиқилган технологик ҳужжатлар асосида ташкил этиш мумкин эди. Ушбу ҳужжатларда – хом ашё, материаллар, ярим фабрикат ва маҳсулотларни олиш, ишлов бериш, қайта ишлаш йўллари ва усуллариининг мураккаб жараёнларини ўзаро боғлиқ, кетма-кет ва аниқ бажариладиган ҳаракат, операцияларга бўлиб, режалаштирилган натижага эришиш тасвир этилади. Бу кенгайтирилган ва оммавий ишлаб чиқаришга асос бўлади. Бизнинг даврда, технология деб, маълум ишни бажариш санъати тушунилади. Уни эгаллаш учун у акс эттирилган технологик ҳужжатларни чуқур ўрганиш тақозо этилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги илмий-техник тараққиёт жадаллашувининг беқиёс ва юқори талабларига жавоб берадиган педагогик технологиянинг пайдо бўлиши ҳам шу қонуниятга бўйсунди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ҳар қандай таълимнинг мақсади – билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш. Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга

ошар экан, турли усулларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, усул танлашда энг асосий омил бўлиб аниқ ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

“Дуккакли ўсимликлар” мавзуси бўйича замонавий таълим технологияси асосида мажмуа яратиш, таълим жараёнига қўллаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ таълим жараёни.


Тадқиқот предмети. «Дуккакли ўсимликлар» мавзуси учун яратилган замонавий таълим технологияси асосида ўқитиш жараёни.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Касб-ҳунар таълимида махсус фанларни ўқитиш жараёни такомиллашади, « **Дуккакли ўсимликлар**» мавзуси учун замонавий таълим технологияси асосида мажмуа яратилади, замонавий ўқитиш методикаси қўлланилади ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этилиб, унинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги таъсири ўрганилади.

1. МАВЗУГА ОИД НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. «ЖАМИЯТ – ТАЪЛИМ» ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Жамият ва таълимнинг ривожини – бу иккиси ягоналашган тизим бўлиб, уни «жамият-таълим» тизими сифатида тасвирлаш мумкин. Бу тизим ишлаб чиқариш усули, ўқитиш воситалари ва ўқитиш тизими омиллари билан белгиланади (1. -расм)



1-расм. «Педагогик технология» фанининг вужудга келиш объективлиги

Ушбу расмда XX асрнинг иккинчи ярмида «Педагогик технология»нинг фан сифатида вужудга келиши ва унинг асосий ривожланиш босқичлари, ўқитиш тизимининг ривожланиш объективлиги яққол акс эттирилган. Замонавий ривожланиш, фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланганлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга, педагогик технологиянинг пайдо бўлиши, ўқитувчилик фаолияти ҳам, бошқа ишлаб чиқариш фаолиятларидек, фаолият тури эканлиги билан боғлиқдир. Педагогик технология атамаси, ҳали стандартлаштирилмаган, шунинг учун унинг анчагина таърифлари мавжуд. Мисол тариқасида педагогик технология (ПТ) нинг бир неча таърифларини келтирамиз.

ПТ – бу, ўқув вазиятларини лойиҳалаш асосидаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг алгоритмлаштирилган фаолиятидир. (Пальчевский, Фридман)


ПТ – бу, олдиндан лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини, амалиётга тизимли ва кетма-кет тадбиқ этилишидир. (В.П.Беспалько)

ПТ – бу, машиналар воситасида ўқитиш санъати ёки педагогик фаолиятни муҳандислик санъатига ўхшатишдир. (Г.Ильин)

ПТ – бу билимлар ўзлаштирилишининг барча жиҳозлари муаммоларини таҳлил этиш ва режалаштириш, таъминлаш, баҳолаш ва муаммолар ечимини бошқаришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш усуллари ва воситалари, одамлар, ғояларни ўз ичига олувчи мажмуалашган жараёндир (АҚШнинг педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси).

Ишлаб-чиқариш жараёнига ўхшаб, ўқув жараёни ҳам иккита қисмдан – ўқув жараёнини тайёрлаш ва ўқитиш жараёнларидан иборат.

Ўқув жараёнини тайёрлаш қисмида – ўқув жараёни графиги ва ишчи ўқув режа ишлаб чиқилади, машғулотлар жадвали тузилади, фаннинг ишчи ўқув дастури, ўқув услубий материаллар ва бошқалар ишлаб чиқилади. Ўқитиш жараёни қисмида – билимлар, малакаларга эга бўлиш ва улар сифатини баҳолаш амалга оширилади.



2-расм. Ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларини айнан ўхшашлиги.

«Ўқитиш - бу ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатнинг мақсадга йўналтирилган жараёни бўлиб унинг давомида инсон маълумотли бўлади». Ушбу ифодадан, ўқитиш сифати, мақсадларни шакллантириш сифатига боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

1.2. Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари педагогик жараённи ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлик ва яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш,

шахсийлик ва фаолиятли характер, иштирокчилар таркибининг доимилиги, ўтказишниги муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

Дарснинг асосий таркибий элементларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчи элементи - ташкилий қисм;

иккинчи элемент - уйга берилган ёзма вазифаларни текшириш;

учинчи элемент - ўқувчилар билимини оғзаки текшириш;

тўртинчи элементи - янги материални тушунтириш;

беешинчи элемент - янги материални мустақкамлаш;

олтинчи элемент - уйга вазифа бериш;

еттинчи элемент - дарсни уюшқоқлик билан якунлаш.

Дарснинг **тузилишлари** қуйидаги уч турда бўлиши мумкин:

Анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, мустақкамлаш, у вазифа бериш.

Замонавий дарс тузилиши: дидактик (асосий) ва психологик

Замочавий дарс тузилишига қўшимча: мотивланган ва услубий.

А) Дидактик тузилиши:

1. Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усулларини фаоллаштири
2. Янги тушунча ва ҳаракат усулларини шакллантириш.
3. Билимларни қўллаш, билиш ва қўникмаларни шакллантириш такрорлаш ва мустақдсамлаш).

Б) Дарснинг мантикий-психологик тузилиши:

1. Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш.
2. Талаба(ёки ўқувчи)лар томонидан янги билимларни англаш
3. Билим элементлари ва ҳаракат усулларини умумлаштириш.
4. Билимлар ва янги ҳаракат усулларини намунадагидек ўзгартирилган шароит вазиятларида қўллай олиш.

В) Дарсда излаш фаолият боскичлари:

1. Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш.
2. Тахминлар фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш.
3. Фаразларни исботэтиш.
4. Муаммоларнинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш.
5. Хулосаларни шакллантириш.
6. Билимларни нотаниш (ностандарт) вазиятларда қўллаш.

Г) Дарснинг мотивланган тузилиши:

1. Ўқувчишнинг диққатини ташкил этиш ва бошқариш.
2. Фаолият мазмунини шархлаш (изоҳлаш),
3. Мотивланган ҳолатларни фаоллаштириш.
4. Ўқувчилар билан ҳамкорликда дарснинг мақсадини белгилаш.
5. Мақсадга эришигида ютуқди вазиятларни вужудга келтириш.
6. Ўқувчиларнинг ҳаракатларида ижобий ҳис-туйғулар ва ўзига ишончини қўллаб-қувватлаш.

Д) Ўқув фаолияти тузилиши:

Ўқув фаолияти = талаб + мотив + ўқув ҳаракатлари + ўзини-ўзи назорат + ўзини-ўзи баҳолаш.

Е) Дарслар типологияси:

1 -тип - янги материални ўрганиш дарси.

2-тип - билимлар, кўникмаларни қўллаш ва мукамаллаштириш.

3-тип - билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш.

4-тип - билимлар ва кўникмаларни тартибга солиш ва назорат қилиш.

5-тип - аралаш дарс.

Муаммолилиқ тамойилига асосан дарслар муаммоли ва муаммоли бўлмаган дарсларга бўлинади.

Дарсинг куйидаги **кўринишлари** мавжуд: *суҳбат дарс, лаборатория иши, синов, ктодарс, компьютер машғулоти.*

1.3. Ўқув жараёнини ишлаб чиқиш

Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш ўқитиш самарадорлигини таъминловчи энг асосий манба ҳисобланади. Биринчи навбатда, бу маърузалар ва амалий (лаборатория, семинар) семинар машғулоти орасидаги мутаносибликни аниқлашга тегишлидир. Бу мутаносиблик ўқув фаннинг мутахассис тайёрлаш тизимидаги ўрнига боғлиқ уни Давлат таълим стандартлари асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Маърузалар ва амалий машғулоти орасидаги мутаносиблиги турли бўлиши мумкин. Масалан: 100%-0; 70%-30%; 50-50%; 30%-70%. Олий мактабда бирор бир фандан амалий машғулоти орасидаги бўлмаслиги жуда кам учрайдиган ҳолдир. Нисбатнинг 30%-70%, яъни амалий машғулоти орасидаги маърузалардан анча кўп бўлиши айрим махсус фанларгагина қўл келади. Чунки, одатда, махсус фанлар амалиётда қўллай олиш даражасида ўзлаштирилиши лозим. 70%-30% нисбат, одатда ижтимоий-иқтисодий фанлар (техник олий ўқув юрларида), 50-50% умумқасбий фанлар учун қўлланилади. Математик ва табиий фанлар учун ушбу нисбат таълим йўналишига боғлиқ бўлади.

Ўқув жараёнини ташкил этишда аудитория ва мустақил ишлар учун ажратилган соатлар нисбатининг аҳамияти ҳам жуда муҳимдир.

Бу нисбат 67%-33%; 60%-40%; олий мактабнинг I ва II курсларида қўлланилади, чунки талабалар ҳали самарали мустақил ишлаш малакаларига эга эмаслар, III ва IV курсларда 50%-50%; 40%-60% ишлатиш мақсадга мувофиқдир, чунки энди талабалар зарурий мустақил ишлаш малакаларига эга ва талабалар курс ишлари, лойиҳалари, лаборатория ва амалий машғулоти, битирув малакавий ишни бажаришлари керак. Ўқув жараёнини кредит тизимида ташкил этишда, аудитория ва мустақил ишлаш соатларининг нисбати 33%-67% бўлиши одатий бир ҳолдир

Аудитория соатлари тизимида маърузалар ва амалий (лаборатория, семинар) машғулоти орасидаги самарали мутаносиблигини, аудитория ва мустақил ишлар учун ажратилган соатлар нисбатини тўғри белгилаш ўқув жараёнини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўқитишдаги барча ёндашувларни гуруҳлаб, уларни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин: тушунтириш-кўргазмали, ижодий изланиш ва технологик.

Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали ёндашуви – бунда ўқувчилар машғулот давомида ўқув ва услубий адабиётлардаги иллюстратив воситалар орқали «тайёр» ҳолда билим оладилар. Бу ёндашув анъанавийдир. Ушбу ёндашув ўқитувчининг ўқув ахборотини етказиши ва талаба хотирасига тўплаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бунда «билим» тушунчаси хотирада сақланаётган маълумот маъносини англатади. Унинг (билимнинг) мавжудлиги назорат ва имтиҳонлар орқали текширилади. Бу босқичда, яъни уни қайта такрорлаш босқичида, билим узоқ вақт сақланмайди. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали усулида ўқитувчининг талабага ўқув ахборотини етказишида, одатда, талабанинг фаоллиги ва ўқув маълумотни қабул қилишга тайёрлиги ҳисобга олинмайди. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқув ахборотини талабага етказиш ва маълум йўллар билан уни талаба хотирасида мустаҳкамлашдан иборат. Бу ёндашувда ўқув мақсадлари умумий кўрсатилади ва ўқув фанининг даражаси ҳақида хира тассавур бўлади. Ўқитиш мақсадига эришилганлигини баҳолаш имконияти бўлмайди, чунки улар ноаниқ ва мужмал қўйилади. Ўқитиш сифати педагогнинг маҳорати ва талабалар контингентига боғлиқ бўлади.

Талабанинг ўқув ахборотини қабул қилиши, ўйлаши, унинг хулосалари, баҳолашлари репродуктив (қайта тиклаш) фикр юритиш доирасида қолади. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали ёндашуви ўз моҳияти билан репродуктив усул бўлиб, бу усулда таълим олувчиларнинг фаолияти алгоритмик характерга эга бўлади. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали усули бир неча асрлар давомида доимо такомиллашиб, таълим тизимида катта хизмат қилди. Аммо у ҳозирги кунда илмий-техник тараққиётнинг ошиб бораётган талабларига жавоб бера олмай қўйди.

Ўқитишнинг ижодий изланиш (тадқиқот ёндашуви) – бу педагог бошчилигида қўйилган муаммолар, масалаларни ечишнинг йўлларини фаол излашни ташкил этиш усулидир. Фикрлаш жараёни продуктив (унумли) характерга эга бўлади. Педагог босқичма-босқич, доимий равишда талабанинг изланиш жараёнини йўналтиради ва назорат қилади. Бунда вазифалар ва муаммолар таҳлилидан, қисқа оғзаки ёки ёзма тушунтиришдан сўнг, таълим олувчилар мустақил равишда адабиётлар ва манбаларни ўрганадилар, кузатишлар ва бошқа изланишлар олиб борадилар. Ўқув иши усуллари бевосита илмий тадқиқот усуллариғача ривожланиб, мустақил тадқиқот ва ташаббусга қизиқиш пайдо бўлади. Талабалар мустақил равишда янги тажрибаларга эга бўлади, янги фаолият турларини ўрганади. Ўқитишнинг изланиш моделларининг таълим мазмуни билан ўзаро таъсири, шахснинг тадқиқотчилик ҳолати унинг фаол, ижодий фаолияти йўналишига боғлиқ бўлади.

1.4. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1.4.1. Модулли ўқитишнинг моҳияти

«Модулли ўқитиш» термини халқаро тушунча - модуль билан боғлиқ бўлиб («модуль», лат. *modulus*), унинг битта маъноси фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган ахборот блоки сифатида тушунилади.

Модуль – бу фаннинг фундаментал тушунчасини тақдим этади: муайян жараёни ёки қонуни, бўлими, муайян катта мавзуси, ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳидир.

Модуль – бу фаннинг бир ёки бир неча тушунчаларни ўзлаштиришга йўналтирилган, ишлаб чиқилган тамойиллар асосида шаклланган мантиқан тугалланган ўқув материалidir.

1982 й. ЮНЕСКОнинг анжумандаги маърузасида модульга “Машқларни хусусий тезликда диққат билан танишиш ва кетма-кет ўрганиш орқали индивидуал ёки гуруҳ машғулотларида бир ёки бир неча малакага эга бўлиш учун мўлжалланган алоҳида ўргатуви пакет (тўплам)” деб таъриф берилган эди.

Модулли ўқитиш – ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимга энг яхши мослашгандир.

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятларини яратади:

- модуль - фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган ҳаракатларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбий мотивация (қизиқтириш) асосида, ўқитиш жараёнини фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

1.4.2. Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси

Фан бўйича фаолият ёндашуви таълимнинг фанли тизимида модуль методологиясини қўллашни англатади. Бундай модулли ўқитиш технологиясини олий таълим тизимида академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида, педагог ва муҳандис-педагоглар малакасини ошириш тизимларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясида модуль ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- ўқув фанининг фундаментал тушунчалари - муайян ҳодиса, ёки қонун ёки бўлим, ёки йирик бир мавзу, ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳи

- ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга (ўзлаштиришга) қаратилган.

Одатда модул - 3-6 соатли маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Фаннинг тушунтирув аппаратини қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили асосида, энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш, материални мантиқан ва компакт гуруҳлаш имкониятини беради. Модул - мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида ўқувчиларга фанни тўлалигича эмас, балки фақатгина бир қатор модулларни тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли ўқувчиларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режалаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаштириш имконияти мавжуд бўлади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда ўқувчиларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарурий шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модул тизимига ўтиш самарадорлиги, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материалларни ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни мақбуллаштириш.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилади:

ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар гуруҳи аниқланади, яъни бутун ўқув режаси алоҳида макромодуллар тўплами сифатида қаралади

Модул ўз ичига 2-3 маъруза ва шу маърузалар билан боғлиқ амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб олиши мумкин.

Ҳар қайси модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади:

- ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тестлар;
- индивидуал ишлар учун топшириқлар;
- мустақил ишлар учун топшириқлар;
- ўқув-услубий тарқатма материаллар;
- ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
- ишчи ўқув дастур.

Ҳар бир модул тест-синовлари билан тугалланиши лозим: жорий модул учун бу ўтилган материални назорати бўлса, кейинги модул учун эса бу кириш (бошланғич) назорати бўлади. Ҳар қайси модул учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўплами тузилади ва улар ўқувчига машғулотдан олдин берилади. Модул, тавсия қилинадиган кўргазма материаллар ва адабиётлар тўплами билан таъминланади, ҳар бир материалларни ўзлаштириб, бир модулдан иккинчи модулга ўтади. Иқтидорли ўқувчилар бошқаларга боғлиқ бўлмасдан тест синовларидан ўтишлари мумкин. Педагогнинг вазифаси ахборотчи-назоратчидан бошлаб, маслаҳатчи-мувофиқлаштирувчигача ўзгариши мумкин. Охиргиси, яъни педагогнинг маслаҳатчи-мувофиқлаштирувчи вазифаси, ўқитиш ўргатувчи модуллар асосида амалга оширилганида, намоён бўлади.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади:

- фанлар, фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёни барча турларининг услубий жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;
- ўқувчилар билимини мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- ўқувчиларнинг зудлик билан қобилиятига кўра, табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим ўқувчиларга фанни индивидуал ўзлаштиришни тавсия этиши мумкин);
- информацияни «сиқиб» бериш натижасида, ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни - оптималлаштириш. Бунинг натижасида, ўқувчи етарли билимларга ҳам, кўникмага ҳам, малакага ҳам эга бўлади.

Фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси ҳар қайси модул учун ишлаб чиқилган педагогик-технологик хариталар орқали рўёбга чиқарилади (4.2-жадвал).

Шундай қилиб модулни ўқитишдан фойдаланиб юқори малакали мутахассисни тайёрлаш, қуйидагилар асосида таъминланади:

- ўқитишнинг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);

- ўқитишни жадаллаштириш бунинг натижасида ахборотнинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади;
- ўқишни индивидуаллаштириш (ўқувчи ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

Мутахассислик фанини инобатга олган ҳолда муайян ўқув фани бўйича тузилган модулларни кетма-кет ўзлаштиришни таъминлаш фан бўйича фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясининг моҳиятини ташкил этади. Ушбу ўқув жараёнини мақбуллаштириш ўқитишни мослаштириш ва индивидуаллаштиришга имкон беради

1.5. Технологик харита

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Технологик харитани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, кўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади.

Мисол тариқасида қуйида ҳуқуқ фанидан «Оталикни белгилаш» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитасини ҳавола қиламиз.

Технологик харита

Мавзу	Оталикни белгилаш
Мақсад, вазифалар	Мақсад: Талабаларга оталикни белгилашга моҳияти, аҳамияти, асослари ва тартибини тушунтириш. Вазифалар: - Талаба (ёки ўқувчи)ларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда мавзу асосида билим ва кўникмаларни

	шакллантириш ва кенгайтириш. - Мавзуга оид тарқатилган материалларни талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш уларнинг билимини баҳолаш.
Ўқув жараёнини мазмуни	Боланинг насл-насабини белгилаш тушунчаси. Оталикни белгилаш зарурати қайси ҳолларда вужудга келиши. Оталикни белгилашнинг мақсади ва аҳамияти. Ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида оталикни белгилаш. Отанинг аризаси асосида оталикни белгилаш. Оталикни белгилаш муносабати билан туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Услуб: оғзаки баён қилиш, “Бумеранг” технологияси. Шакл: Суҳбат – мунозара, амалий машғулот, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар: матнлар, ариза. маълумотнома, хабарнома бланкалари. Усул: Тайёр ёзма материаллари ва чизмалар асосида. Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзунини қисқа вақт ичида барча талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир машғулот жараёнида барча талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, уни хотиради сақлаш, бошқаларга етказишЭ, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади. Талаба (ёки ўқувчи): Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва

	гурух бўлиб ишлашни ўрганади. Нутки ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади вабаҳолай олади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педогогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педогогик маҳоратни ошириш. Талаба (ёки ўқувчи): Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини раво баён қила олади. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Ўз фикри ва гурух фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади.

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузган технологик харитаси, унга фан (ёки предмет)ни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашшига, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик хаританинг талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, упи шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга ва бу билан ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи)ларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши, талаба (ёки ўқувчи)ларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради.

Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш талаба (ёки ўқувчи)ларни ўқитиш ва тарбиялашни янада самарали бўлишини таъминлайди.

Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашнинг тақдирлари. Технологийлар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзиларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталамиз. Талаба (ёки ўқувчи)ларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий,

мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобшьятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга срдм берадиган тавсиялар берамиз.

Келтирилган тавсиялардан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун хавола этилган технологияларни худди шу тартибда ўтказишлари шарт эмас. Ҳар қайси ўқитувчи бу технологиялар асосида уларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарс тсхнологияларини яратишлари берилган технологияларни тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

1.6. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини баҳолаш турлари ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгилаб кўйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёнидир.



1.6.1. Беш баллик баҳолаш

Афзаллиги

таълим олувчи рағбатлантирилади
таълим олувчининг фаолиятини
ёзма нутқда хатоларни
тўғрилаш тезкор назорат қилиш
имкониятини беради
таълим берувчини вақти тежалади
таълим берувчини вақти тежалади
таълим олувчининг якуний билими
баҳоларнинг сонига қараб
эмас, сифатига қараб баҳоланади
баҳолаш қулай бўлади
расмиилаштириш ҳужжатлари кам
бўлади

Камчилиги

Баҳолашнинг нисбийлиги
ёзма нутқда хатоларни тўғрилаш
имкониятининг камайиши
Баҳолашнинг субъективлиги

1.6.2. Баҳолашнинг рейтиг тизими

Афзаллиги

ҳаққоний баҳоланиши
Ёзма нутқнинг ўсиши
ёзма нутқда хато ва камчиликларни
аниқлаш; имкониятларининг
мавжудлиги
таълим олувчининг билимга бўлган
иштиёқининг сезиларли даражада
ошиши
таълим олувчини мунтазам
шуғулланишга ундаши

Камчилиги

таълим берувчи таълим олувчи бил
ишланганда кўп вақт сарф қилади
Балларни ҳисоблаш кўп вақтни ҳал
қилувчи мураккаб жараёنлиги
баҳолаш усуллариға қараб таълим
олувчи оғзаки нутқининг пасайиши
Ажратялган вақтнинг етарли
эмаслиги
Таълим олувчининг баҳолаш
назоратининг мураккаблиги ва
ноқулайлиги

1.6.3. Мезонга асосланган баҳолаш

Афзаллиги

Ўқув мақсадига мувофиқ баҳоланади
таълим олувчининг билимини
баҳолаганда унинг йўл қўйган
хатолари

Камчилиги

мезонларни ишлаб чиқиш кўп вақт
талаб қилади
мезонларнинг объективлиги, ҳаққо-
нийлиги ва аниқлигини
кўрсатишганаисбатан талабларининг

якқол курсатиб берилади
баҳоланувчи таълим олишга
йўналтирилади

кўплиги
Ижтимоий фан йўналишлари
бўйичамезонлар ишлаб чиқаришда
қийинчиликларга дуч келиниши

баҳоланувчиларнинг баҳоланаётган
соҳадаги кучли ва кучсиз томонлари
холисона аниқлаб берилади,
уларнинг ўз билими ва малакаларига
бўлган ишончи оширилади ҳамма
учун бир хил билим ва малака
талаблари ўрнатади
баҳоланувчиларнинг ўз фаолияти
натижаларига бўлган масъулияти
оширилади

таълим мазмуни аниқлаб берилади
ҳамма учун бир хил билим ва мала-
ка талаблари ўрнатади

баҳоланувчиларнинг баҳоланаётган
соҳадаги кучли ва кучсиз томонлари
холисона аниқлаб берилади,
уларнинг ўз билими ва малакаларига
бўлган ишочи оширилади

1.6.4. Меъёрий (нормага асосланган) баҳолаш

Афзаллиги	Камчилиги
ўқитувчи ортиқча вақт сарфламайди	баҳолашда билим билан ҳулқня баҳолаш аралаштириб юборилади
турли шарт-шароитга осон мослаштириш мумкин	баъзан ҳулқни баҳолаш билимд баҳолашни чеклаб қўяди;
баҳо бўйича кўрсаткичлар умумий тарзда олинади	баҳолар ўқитувчи томонидан субъективбелгиланиши мумкин
муайяи баҳоланувчилар гуруҳи ичида уларни ўзлаштириш имконини беради	таълим олувчига нисбатан симпатия ҳам баҳони юқори қўйиб юборишга олиб келади
муайяи баҳоланувчилар гуруҳи ичида уларни ўзлаштириш имконини беради	билимларни объектив ва ҳаққоний баҳолашнинг пасайишига имконият яратади.

2. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

2.1. “ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР” мавзуси бўйича намунавий модул

Модул - фаннинг ўзаро боғлиқ фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган, дидактик тамойиллар асосида махсус фанлардан тузилган, ўқув материалининг бирлигидир

Ҳар бир модулли қўлланма ёки ўқув материали ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини фаоллаштириш ва қизиқтириш, мустақил ўрганиш, ўқув материалини тўлиқ ўзлаштириш ва индивидуал ишлаш имкониятини яратиш каби масалаларни ечиши керак.

Модулли ўқитиш технологияси ва ўқув материаллари Ўзбекистон таълим тизимида янги кириб келаяпти. Модулли ўқув материали дарслик сингари ўқув дастуридаги мавзулардан иборат матнларни ўзига қамраб олмай, балки унда маълум фаолият усулини ўрганиш бўйича амалий шуғулланиш усуллари кўрсатиб беради, буларнинг барчаси мустақил тартибда ва мантиқий узвийликда ифода этилади. Ҳар бир модулнинг мавзуси ва ўқув мақсадлари ўзгарса ҳам унинг шакли ва тузилиши ўзгармас бўлиб қолади. Бу каби бир хил тузилишга эга модуллар ўқитувчига ўқувчининг фанни ўрганишларини самаралироқ назорат қилиш ва баҳолаш имкониятини беради.

Қуйида ишлаб чиқариш таълим усталари учун модулли қўлланма тузилмаси келтирилган. Фаолият усуллари бўйича ҳар бир модул тузилмаси қуйидагича бўлиши керак:

1. Модул рақами
2. Модул мавзуси
3. Модулнинг ўқув мақсади
4. Модулга ажратилган ўқув соатлари.
5. Модулни ўрганиш мобайнида ўқувчида шаклланадиган билим, малакалар ва кўникмалар
6. Модулли ўрганиш натижасида ўқувчиларнинг назарий билимларининг мустаҳкамланиши.
7. Модул мавзусига боғлиқ назарий билимлар.
8. Модулдан ўқитишда фойдаланиладиган қўшимча жиҳозлар, дидактик воситалар ва материаллар рўйхати.
9. Модул орқали натижага эришишда ўқувчилар бажарадиган машғулот ва вазифалар схемаси.
10. Модулдан ўқитишда тавсия қилинган ўқитиш технологиялари ва методлари.
11. Асосий назарий билимларни баҳолаш учун тестлар тўплами.
12. Модул ўқитиш натижаларини талабаларда қандай намоён бўлганлигини қайд этиб бориш учун баҳолаш мезонлари.

Ҳар бир модул ўқитувчи ва ўқувчига мўлжалланган материаллардан тузилади. Ўқувчи учун мавзу ҳақида маълумотлар, ишчи варақалари ва тестлар ўқитувчи томонидан тайёрланиши мумкин.

Модулли ўқув материалдан ўқувчи назарий билимга эга бўлиб, амалий ишларни мустақил равишда бажариш имконияти таъминланиши керак.

Ҳозирги пайтда модулли ўқув қўлланмалар ва материаллар яратилиб синовдан муваффақиятли ўтмоқда. Кичик гуруҳлардан иборат муаллифлар жамоаси асосан, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари бу модулли ўқув қўлланмалар ва материалларни ишлаб чиқишлари тавсия этилади.

Модулли ўқув материали асосида ўқитишни режалаштириш ва эришилса бўладиган ҳамда баҳолашни мумкин бўлган ўқув натижалари нуқтаи назаридан қараганда ўқув ва ўрганиш материаллари ичида энг мақбулларидан бири ҳисобланади.

2.2. НАЗАРИЙ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Модул рақами 6.

2. Модул номи: ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Модулнинг ўқув мақсади: Ўқувчиларнинг «Дуккакли ўсимликлар» бўйича назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, мазкур модулни муваффақиятли ўрганганларидан қуйидагиларни билиши ва бажара олишлари керак.

3. Ўқув машғулотлари соатлари: 4соат.

4. Модулни ўрганиш бўйича назарий билимлар:

- Дуккакли ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, экин майдонлари;

- Сифат кўрсаткичлар;
- Н ў х а т.
- Ч и н а.
- Кўйбош нўхат (нут ёки махаллий нўхат).
- Я с м и қ.
- Л о в и я.
- Х а ш а к б о п д у к к а к л а р.
- Х а ш а к и н у х а т (вика).
- С о я.
- Е р ё н ғ о қ.

5. Модулни ўрганиш давомида ўрганиладиган асосий билимлар ва кўникмалар:

- Дуккакли дон экинларининг ўртача кимёвий таркиби;
- Ифлосланганлик.
- Намлик
- Дуккакли экин уруғларининг намлиги бўйича ҳолати
- Зарақунандалар билан зарарланганлик
- Дуккакли усимликлар навлари хақида маълумот

2.2.1. Мавзунинг очик сценарийси бўйича ишлаб чиқилган визуал материаллар БМИнинг илова қисмида берилган.

**2.2.2. «Дуккакли ўсимликлар» модулини
ўтказиш бўйича кўрсатмалар
(4 ўқув соати)**

т/р	Дарс босқичлари	Таълим берувчи (муҳандис педагог)	Таълим олувчи (ўқувчи)
1.	Ташкилий қисм (10 дақиқа)	Модулнинг мақсад ва баҳолаш мезонларини тушунтириш	Узлаштиради
2.	Кириш йўриқномаси (80 дақиқа)	Модул бўйича назарий ўқув материалларини тушинтириш	Узлаштирилади
3.	Бажариладиган амалий ишлар (20 дақиқа)	Дуккакли усимликларнинг ифлосланганлигини, намлигини ва ҳажмий огирлигини аниқлаш тартиби бажариб кўрсатилади	Узлаштиради ва амалий ишлаш кўникмасига эга бўлади
4.	Модул бўйича бажариладиган амалий ишлар (110 дақиқа)	Назорат қилинади	Турли дуккакли донларнинг сифат курсаткичлари аниқланиб, кўникмалар ҳосил қилинади
5	Тест (10 дақиқа)	Ўқув машғулоти бўйича тест саволлари берилади ва баҳоланади	Ёзма жавоб берилади

2.3. Тест саволлари

1. Дуккакли ўсимликлар гуруҳига қуйидагилар киради:

- А) Хашаки дуккаклар, нўхат, чина, жойдари нўхат, ясмиқ, ловия.
- В) Буғдой, хашаки дуккаклар, нўхат, жавдар, соя, ясмиқ.
- С) Маккажухори, нўхат, жавдар, соя, ясмиқ, арпа.
- Д) Нўхат, чина, жойдари нўхат, ясмиқ, шоли, буғдой.

2. Хашаки нухат уруғи таркибини неча фоизини оқсил ташкил этади.

- А) 60 – 66 %
- В) 25 – 33 %
- С) 15 – 20 %
- Д) 4 – 6 %

3. Соя уруғи таркибини неча фоизини оқсил ташкил этади.

- А) 60 – 66 %

- B) 30 – 50 %
- C) 15 – 20 %
- D) 4 – 6 %

4. Ифлослантирувчи аралашмаларга нималар киради?

- A) Сомон, бошоклар, кесак булаклари, бегона усимликларнинг йирик уруглари
- B) Бошоклар ва дуккакли донларнинг гул кобиклари, Йирик тош булаглари, минерал аралашмалар
- C) Шувок уруги, ёввойи сули, жавдар гулхани, печак маржумаги, дала печак гул уруги, вика каби ажралиши кийин булган аралашмалар
- D) Хамма жавоб тўғри.

5. Дон сифатини органолептик баҳолаш қайси курсаткичлар билан аниқланади?

- A) Доннинг ранги, хиди, мазаси
- B) Доннинг шаффофлиги, намлиги, кулдорлиги
- C) Доннинг йириклиги, 1000 та доннинг оғирлиги, натураси
- D) Доннинг зичлиги, ифлослиги, эндосперманинг нисбий миқдори

6. Ифлослантирувчи аралашмаларга нималар киради.

- A) минерал, органик чиқиндилар
- B) синган донлар, бошқа экин донлари, зарарли органик, минерал чиқиндилар
- C) синган асосий донлар, бошқа экин донлари
- D) асосий ва синган донлар

7. Доннинг намлигини аниқлашда қайси асбобдан фойдаланилади?

- A) ДСЗ-2 B) СЭШ - 3М C) ИДК – 1 D) ПХ – 1

8. Усимликнинг усиши ва ривожланиши учун қандай омиллар зарур?

- A) Ёруғлик, иссиқлик, сув
- B) Ҳаво, сув
- C) Ёруғлик, озукабоп моддалар
- D) Ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув, озукабоп моддалар

2.4. “Дуккакли ўсимликлар” модулни педагогик-технологик харитасини тўлдириш намунаси.

Педагогик-технологик харитаси берилган шакли асосида қуйидаги тартибда ишлаб чиқилган:

1. Фаннинг умумий мақсади. Озик-овқат хомашёси фанни узлаштиришдан мақсад: - озик - овқат тармоқларида (дон, ун, ёғ-мой, гўшт маҳсулотлари, омехта ем ишлаб чиқариш корхоналарида) қўлланиладиган хом ашё ва материалларнинг таркиби, асосий хоссалари, ишлаб чиқариш технологиясининг қисқача мазмуни бўйича маълумотларни урганиш.
2. Мавзуни №. Мавзу № 6.
3. Мавзуни номи: Дуккакли ўсимликлар

4. Ўқув-илмий адабиётлар:

- 4.1. Obshaya texnologiya pishevix proizvodstv. Uchebnik. Pod redaktsiey L.P.Koval'skoy -M.: Kolos, 1993. -384 s.
- 4.2. Texnologiya pishevix proizvodstv. Uchebnik. Pod redaktsiey L.P.Koval'skoy -M.: Kolos, 1997. -752 s.
- 4.3. Adizov R.T., Ergasheva H.B., Boboev S.D., G'afforov A.X. «Don va donmaxsulotlari tovarshunosligi». Toshkent.: «Ilm Ziyo», 2004 y.
- 4.4. Vasiev M.G., Vasieva M.A., Mirzaev J.D. Non, makaron va qandolat mahsulotlari ishlab chiqarish tarmoqlarida qo'llaniladigan xom ashyo va materiallar. –Toshkent: Mehnat -2002. 194 b.

5. Маърузага ажратилган соат: 2 соат

6. Амалиёт машғулотларга ажратилган соат: 2 соат

Мавзунинг ўқув мақсади: Дуккакли дон экинларининг ўртача кимёвий таркибини, ифлосланганлик даражасини, намлигини, дуккакли усимликлар навлари хақида маълумот ларни урганиш

7. Мавзунинг таянч ибораларининг номи:

Дуккакли ўсимликлар
хашаки дуккаклар
нўхат, чина, жайдари нўхат
хашаки нўхат, соя, ясмиқ
ловия, ер ёнғоқи
кам тарқалган ўсимликлар
оқсил, консерва ишлаб чиқариш, хом дуккаклар
дуккакли экинлар уруғи
чорва моллари, оддий ловия
кўпгулли ловия, мош, заррин ловия
тепари, адзуки, баҳорги хашаки нўхат.

8. Таянч ибораларнинг ўқув мақсади:

- 9.1. Дуккакли ўсимликлар иборасини изоҳлаб бериш
- 9.2. Хашаки дуккаклар таснифини изоҳлаб бериш
- 9.3. Нўхат, чина, жайдари нўхат, хашаки нўхат, соя, ясмиқ ловия, ер ёнғоқ кабиларни тавсифини келтиринг.
- 9.4. Кам тарқалган ўсимликларни тушунтиринг.
- 9.5. Оқсил, консерва ишлаб чиқариш, хом дуккаклар хақида маълумот беринг.
- 9.6. Оддий ловия кўпгулли ловия, мош, заррин ловия, тепари, адзуки, баҳорги хашаки нўхат тавсифини тушунтиринг

9. Таянч иборалар ўқув мақсадларнинг тоифаси:

Тушуниш
Тушуниш

Тушуниш

Тушуниш

Қўллаш

Тушуниш

10. Ўқитиш технологияси: Модулли

11. Дидактик воситалар:

Дуккакли усимликлар схемаси

Сифат курсаткичлари жадвали

Компьютер, проектор

12. Тест топшириклари:

1. Дуккакли ўсимликлар гурухига қуйидагилар киради:

А) Хашаки дуккаклар, нўхат, чина, жойдари нўхат, ясмиқ, ловия.

В) Буғдой, хашаки дуккаклар, нўхат, жавдар, соя, ясмиқ.

С) Маккажухори, нўхат, жавдар, соя, ясмиқ, арпа.

Д) Нўхат, чина, жойдари нўхат, ясмиқ, шоли, буғдой.

2. Хашаки нухат уруғи таркибини неча фоизини оқсил ташиқил этади.

А) 60 – 66 %

В) 25 – 33 %

С) 15 – 20 %

Д) 4 – 6 %

3. Соя уруғи таркибини неча фоизини оқсил ташиқил этади.

А) 60 – 66 %

В) 30 – 50 %

С) 15 – 20 %

Д) 4 – 6 %

4. Ифлослантирувчи аралашмаларга нималар киради?

А) Сомон, бошоклар, кесак булақлари, бегона усимликларнинг йирик уруғлари

В) Бошоклар ва дуккакли донларнинг гул кобиклари, Йирик тош булағклари, минерал аралашмалар

С) Шувок уруғи, ёввойи сули, жавдар гулхани, печак маржумаги, дала печак гул уруғи, вика каби ажралиши кийин булган аралашмалар

Д) Хамма жавоб тўғри.

5. Дон сифатини органолептик баҳолаш кайси курсаткичлар билан аниқланади?

А) Доннинг ранги, хиди, мазаси

В) Доннинг шаффофлиги, намлиги, кулдорлиги

С) Доннинг йириклиги, 1000 та доннинг огирлиги, натураси

Д) Доннинг зичлиги, ифлослиги, эндосперманинг нисбий микдори

6. Ифлослантирувчи аралашмаларга нималар киради.

А) минерал, органик чиқиндилар

В) синган донлар, бошқа экин донлари, зарарли органик, минерал чиқиндилар

С) синган асосий донлар, бошқа экин донлари

D) асосий ва синган донлар

7. Доннинг намлигини аниклашда қайси асбобдан фойдаланилади?

A) ДСЗ-2 B) СЭШ - 3М C) ИДК – 1 D) ПХ – 1

8. Усимликнинг усиши ва ривожланиши учун қандай омиллар зарур?

A) Ёруглик, иссиқлик, сув

B) Хаво, сув

C) Ёруглик, озукабоп моддалар

D) Ёруглик, иссиқлик, хаво, сув, озукабоп моддалар

2.5. Мустақил ишлаш учун топшириқлар

1. Дуккакли дон экинларининг ўртача кимёвий таркибини урганиш
2. Дуккакли экин уруғларининг намлиги бўйича ҳолатини урганиш
3. Заракунандалар билан зарарланганлик даражасини аниклашни урганиш
4. Хашакбоп дуккаклилар ҳақида Интернет маълумотларини йиғиш
5. Тайёрланадиган ва узатиладиган соя учун стандарт курсаткичларини урганиш

2.6. Амалий машғулоти ўқитиш технологияси

«Дон ҳақида умимий маълумот Донларнинг морфологик ва анатомик тузилиши, донларнинг оқувчанлиги, ўз-ўзидан жойлашуви, улар орасидаги бўшлиқ, иссиқлик ўтказувчанлиги, донларнинг ранги, хиди, таъми, намлиги, натураси ҳақида тушунча» мавзусида тайёрланган амалий машғулоти ўқитиш технологиясига харитаси.

Босқичлар	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
Тайёрлов босқичи	1.1.Мавзунинг номи эълон қилинади. Талабаларни тўрт гуруҳга бўлади. Гуруҳларда ишлаш қондаси тўғрисидаги эслатма билан таништилади ва гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини эълон қилади. 1-Илова	Қайд этадилар. Ўқийдилар.
1-босқич Ўқув машғулоти кириш босқичи (5 дақиқа)	2.1. Белгиланган мавзунинг режаси унинг мақсади, долзарблиги ва ўрганишдан кутилаётган натижалар эшиттирилади. 2.2.Талабаларнинг назарий олган билимларини бир қанча саволларни берган ҳолда	Тинглайдилар. Фаол қатнашиб жавоб берадилар.

	текширади.	
2-босқич Асосий босқич (65 дақиқа)	3.1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Топшириқларни ҳар бир гуруҳга тарқатади. Топшириқни ечаётганда қўшимча қандай материаллардан фойдаланиш лозимлиги уқтирилади. 2-3 Илова. 3.2. Гуруҳларни ташкил этади ва назоратчи сифатида гуруҳларни текширади. Уларга назария билан боғлиқ бир қанча саволларни беради. Жумладан, бошоққилар оиласи қандай умумий белги билан ажралиб туради? Бугдой донининг таркибий қисмларини айтинг 3.3. Талабаларнинг фаолиятига шарҳ бериб боради ва аниқ маълумотлар билан уларни қуроллантириб боради. 3.4. Олинган натижаларни тақдим қилишларини эълон қилади. 4-илова	Ўқув материали билан танишиб чиқадилар. Гуруҳ билан бирга илпшириқни бажаришга киришадилар. Гуруҳларга бўлинадилар. Берилган саволларга фаол қатнашиб жавоб берадилар. Тинглайдилар. Натижаларни баён этишлари учун гуруҳ ичидан лидерларни танлайдилар ва тақдимотни бошлайдилар.
3-босқич Яқунловчи босқич (10 дақиқа)	4.1. Гуруҳларда ечилган натижаларни таҳлил қилади. 4.2. Топшириқни осон ечиш усулларни ўргатади. Гуруҳларни рағбатлантириш мақсадида, тўғри ишлаган гуруҳ талабаларининг ҳаммасига юқори балл қўяди. 4.3. Кейинги дарсда мавзун и ўрганиб келишларини эслатиб қўяди.	Талабалар диққат билан тинглайдилар, уйга вазифани қайд этиб қўядилар.

1-илова

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Амалий машғулотга тай-ёргарлиги, ишни ишчи дафтарга конс-пектлаштириш ва олинган натижаларни расмийлаштириш ҳамда илова қилинувчи саволларга мустақил тайёрланиш	Амалий ишини бажариши	Бажарилган ишни ҳимоя қилиш	Жами
	Балл	3	2	1,0	56
1					
2					
3					

Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Жами балл	Баҳо
1					
2					
3					

5 балл – «аъло»

4 балл - «яхши»

3 балл - «қониқарли»

2 балл - «қониқарсиз»

2-Илова

1-гуруҳга бериладиган топшириқ.

Талаба: 1.Донларнинг морфологик ва анатомик тузилишини ўрганади, буғдой донининг тузилишини дафтарига чизади, амалий машғулотни бажариш учун берилган услубий кўрсатмадаги жадвалларни тўлдирадилар
2.Донларнинг оқувчанлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганади ва дафтарга ёзиб оладилар

2-гурухга бериладиган топширик.

Талаба: 3.Донларнинг ўз-ўзидан жойлашуви, улар орасидаги бўшлиқ, иссиқлик ўтказувчанлигини ўрганадилар ва дафтарга ёзиб борадилар

4.Донларнинг ранги, хиди ва таъмини аниқлайдилар ва керакли жадвалларни тўлдирадилар.

3-илова

Гурухларда ишлаш қондаси

- Хар бир киши ўз гуруҳидаги талабанинг фикрини мулозимат билан эшитиши ва уни бўлмаслиги лозим;
- Хар бир киши ўзи мустақил берилган топширикқа масъулият билан ёндошиши керак;
- Бир-бирларингизга керакли пайтда ёрдам қўлингизни чузинг;
- Сўраб билган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим тамойилига амал қилинг;
- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Эсдан чиқарманг:

- Гуруҳнинг олган баҳоси бу сизнинг баҳойингиз!
- Кемага тушганнинг жони бир!

4-илова

Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдиринг

Саволлар	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб Олдим
1. Дуккаклилар оиласи қандай умумий белги билан ажралиб туради?			
2 Дуккакли донларнинг таркибий қисмларини айтинг			
3.Донларнинг орғанолептик кўрсаткичларига нималар киради?			

2.7. Ўқувчиларнинг модулни ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари (100 балл асосида)

Баҳолаш варақаси										
<i>Мавзунинг номи: «Дуккакли усимликлар»</i>										
№	Баҳолаш мезонлари	Баҳоланувчининг Ф.И.Ш. / №								
		1	2	3	4	5	6	7	8	n
1.	Дуккакли усимликлар бўйича мавжуд стандартлар билан танишганлик даражаси									
2.	Дуккакли усимликларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотга эгалиги									
3.	Ифлосланганликни аниклашнинг стандарт усуллари билан танишганлиги									
4.	Дуккаклиларнинг намлигини аниклаш усулини урганганлик даражаси									
5.	Намлик бўйича дуккакли усиликларнинг ҳолатини изохлаши									
6.	Донларнинг зарарланганлигини аниклашнинг усуллари изохлаш									
7.	Хашаки дуккаклиларнинг турларини айтиб бериш									
8.	Дуккакли донларнинг оксил комплекс таркибини урганганлик даражаси									
Изох: Ҳар бир саволга тўғри жавоб 10 балл, нотўғри жавоб 0 балл (Жами 80 балл)										
13.	Назарий билимларни баҳолаш бўйича тест натижаси (20 балл)									
НАТИЖАЛАР:										

IV. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш оркали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга кодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилаяпти. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлако янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислох қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асоси яратилди .

Ҳозирги вақтда ўқитувчининг маҳорати унинг турли усуллар ва услубларни билиши, ўқув материали таркиби, унинг мақсади ва вазифалари, ўқитиш воситаларидан келиб чиққан ҳолда бу усул ва услубларни танлай олиши билан белгиланади. Ўқитиш самарадорлиги ўқитишнинг усул ва услубларини нечоғлик тўғри танланганлигига боғлиқ.

Биз малакавий битирув ишини бажариш давомида берилган битирув малакавий иши мавзусига асосан касб-ҳунар коллежиларида “Дуккакли ўсимликлар” мавзуси бўйича замонавий таълим технологияси асосида мажмуа яратиш мавзусида назарий ва амалий машғулотларни ўтиш учун таълим технологиясини ишлаб чиқдик.

“Дуккакли ўсимликлар” мавзуси бўйича таълим технологиясини яратиш ҳамда педагогик ва ахборот технологиялари асосида таълим жараёнидаги таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, замонавий таълим шароитида таълим олувчиларни ўқув материали билан мустақил ишлаш, билимларни мустақил излаш, топиш ва амалда қўллаш бўйича кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга экан.

“Дуккакли ўсимликлар” мавзусида яратилган таълим технологиясини ўқитиш жараёнидаги педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича замонавий таълим технологияси асосида тузилган мажмуда мавзуга оид назарий ва унга тегишли бўлган тажриба ёки амалий ишнинг технологик харитасининг тузилиши , баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларининг берилиши , гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо, бериладиган топшириқ, гуруҳларда ишлаш қоидаси кабиларнинг алоҳида илова шаклида берилиши талаба учун ҳам ўқитувчи учун ҳам ҳар томонлама қулайликга эга

100 балл асосида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонининг ишлаб чиқилганлиги ва талабага тарқатилганлиги уларнинг ўз вақтида билимларини назорат қилиш имкониятини яратади ва талабаларни ўз тенгдошларидан орқада қолмасликлари учун руҳлантирувчи қурол бўлиб хизмат қилишини тушундим.

Бажарилган ишлар бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

- махсус фанларни таълим технологияси асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш учун дастлабки шарт-шароитларни яратиш лозим.

- махсус фанларни ўқитишда ҳар бир ўқитиладиган мавзу бўйича таълим технологияси ишлаб чиқилиши ва ундан фойдаланиш бўйича услубий қўлланмалар, йўриқномалар тайёрланиши ҳамда ўқув жараёни булар билан тўлиқ таъминланиши лозим.

- ўқувчиларда мустақил ишлай олиш ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун қўшимча машғулотлар ўтказиш тавсия этилди.

- махсус фанларни ўқитишда ўқитувчи томонидан ҳар бир мавзу бўйича ўқитиш техникаси ва дарс ишланмаси ишлаб чиқилиши керак.

- ўқитиш самарадорлигини аниқлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш учун ҳар бир мавзу бўйича тестлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

- “Дуккакли ўсимликлар” мавзусидан таълим технологияси қўлланилганда ўқувчиларнинг мустақил таълим олишларига, ўрганишнинг барча босқичларида ўз-ўзини текшириб кўриш учун кенг имкониятлар яратилишини исботлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қисмида инсон меҳнат фаолиятини бошлашдан олдин албатта меҳнат муҳофазаси қоидаларини билиш зарурлигини, ҳар бир тажриба-амалий машғулотларини ташкил этишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Ҳар хил иқлим шароитларида ва айрим қутилмаган ҳолларда жараёни тўлиқ ташкил этишда талабаларга зарар етказишлининг олдини олиш зарур.

Иш жараёнида микроклимат, санитария ҳолати, электр ва ёнғин хавфсизлиги каби ҳолатларга алоҳида эътибор берилиши лозимлигини ва агар керак бўлса муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг ролини кучайтириш ошириш лозимлигини Яна бир бор англаб етдим.

3. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА КИЛИШ КИСМИ

Инсон меҳнат фаолиятини бошладан олдин албатта меҳнат муҳофазаси коидаларини билиш зарур. Бундан ташқари ун, ёрма, омухта ем, нонвойлик ва кандолатчилик саноатида меҳнат муҳофазасини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Хар хил иқлим шароитларида ва айрим кутилмаган ҳолларда ишлаб чиқариш ташкилотларида ишловчи ишчиларга зарар етказишининг олдини олиш зарур.

Биз тажриба қилган, тажриба хонасида ҳам қуйидаги меҳнат муҳофазасини таъминлашимиз зарур:

1. МИКРОКЛИМАТ. Тажриба хонасида утказилаётган тажрибамизга мувофиқ биз бугдой донининг карбонат ангидрид (ис гази) билан нафас олиши ва шу билан биргаликда у узидан яъни ҳосил булган муртакчаларидан шу газни чиқариши ва буни бизга канчалик таъсир қилишини билишимиз ва унинг олдини олишимиз зарур. Бунинг учун бизга вентилятор яъни хавони тозаловчи қурилмалар қуйиш керак. Хона ҳароратининг бир хилда бўлишини яъни шу хона ҳароратида бўлиши бизга қулай шароит яратилишини таъминлайди. Микроиқлим қуп ҳолларда узгариши мумкин. Бундай вақтларда одам ҳаёт фаолиятини меъёردа саклаш учун тана ҳарорати бир хилда бўлиши керак.

2. САНИТАРИЯ ХОЛАТИ. Тажриба хонасининг санитарик ҳолатининг ёмонлиги ҳам бизга таъсир қилади. Шунинг учун ҳам хона жуда тоза ва шинам бўлишини таъминлашимиз зарур. Тажрибани утказганимизда зарарли кимёвий реактивларни ушлаш учун биринчи галда қулимизда резина қулқоп, қуз ойнак ва ҳалат бўлиши зарур. Донни қукартиришда донда биологик жараёнлар содир бўлади. Доннинг намлиги ва ҳаво ҳароратининг етарлилиги микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини жадаллаштиради. Бу микроорганизмлар биз олиб бораётган тажриба қукартирилган бугдой дони ундан пиширилган ноннинг сифат қурсаткичларига ҳамда нонни истеъмолга яроқлигини билишда бизнинг организмимизга таъсири бўлади. Шунинг учун бумикроорганизмлар қупайишини санитария усули билангина олдини олишимиз мумкин.

3. ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИК. Электр ҳавфсизлик бизда лаборатория тегиримончаси, муфел печида донни қуриштишда, ҳаво тозаловчи усқуналарни ишлатишимизда эҳтиёт бўлишимизни талаб қилади. Тажрибани утказишда электр жихозларидан фойдаланганимизда қулимизда резина қулқоп оегимиз тагига резина пластинкалар ва шу жихозларнинг узи ерга уланган (заземление) бўлиши шарт.

Қуп ҳолларда меҳнат муҳофазасига лаёқатсизлик билан қарлагани сабабли ёмон ҳолларга олиб қелиши мумкин. Биз керак булган электр жихозларидан фойдаланганимиз ҳолда олдин шу усқуна ишга яроқли эканлигини текширишимиз керак. Бундан ташқари усқунанинг кабели очик қолган бўлса уни изоляция қилиб, ҳақиқатда шу усқуна билан ишлаш ҳавфсизлигига ишонч ҳосил қилгандан сунг уни қушиб фойдаланишимиз мумкин. Айрим ҳолатларда масалан: Муфел печи билан ишлаганимизда

жуда эҳтиёткор булишимизни талаб килади. Чунки бу печнинг ҳам ёнгин хавфи ҳам электр хавфи мавжуд.

4. ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ. Хамма хавфсизликлардан ҳам тула эҳтиёткорлик талаб киладиган хавфсизлик бу ёнгин хавфсизлигидир. Шунинг учун ҳам ёнгин чиқишини олдини олишда ҳар доим тайёр туришимиз керак. Бу ёнгин каердан чиқиши мумкин; ёнгин биз айтиб утганимиздек биринчи навбатда муфел печ булса, кейингилари электр токи замекниyasi билан ва тажриба иши давомида биз куп ишлатадиган спиртли лампасидан ёнгин чиқиши мумкин. Биз бу ёнгин чиқишини олдини олишимиз учун сув тулдирилган балонлар, ёнгин содир булганда кийиш учун махсус кийимлар тайёр булиши керак.

Биз айтиб утган муфел печи герметик уралган холда ва унга хавони тозалаш максатида хаво сурувчи мослама куйишимиз зарур шундагина биз ёнгин хавфсизлигини олдини олган буламиз. Бундан ташкари кучли кислота ва ишкорлар билан ишлаган вақтимизда кислота ва ишкорлар реакция беради. Бу реакция натижасида катта иссиқлик ажралиб чиқади ва натижада эритма сочилиб колбадан чиқиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар томондан зийрак ва хушер булишимизни талаб килади.

Мехнат муҳофазасининг ҳукукий ва ташкилий масалалари.

Мехнат муҳофазаси ҳақидаги қонунчилик. Мехнат қонунчилигининг умумий меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Олий мажлиси қабул қилган қонунларда, ҳамда махсус қарорларда баён этилган .

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Олий кенгашининг ўн иккинчи чақирик ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Конституцияси мевофик фуқаролар меҳнат қилиш, дам олиш, таълим олиш ҳуқуқига, кексайганда шунингдек қасалланиб қолганда ёки ишлаш қобилиятини йўқотганда давлат маблағлари ҳисобига сугурта қилиш йўли билан моддий таъминланиб туриш ҳуқуқларига эга.

Масалан: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 37 – моддасига мувофик ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

38 – моддасида: Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39 - моддасида. Ҳар қим қориганда меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, бақувчанликдан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

40 – моддасида. Ҳар бир инсон малакалари тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, миллати ва иркидан катъий назар, барча фуқоралар меҳнат борасида тенг ҳуқуқлидир. Ўзбекистонда эркаклар билан хотин – кизларнинг ҳуқуқлари тенг. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунчилиги меҳнат шароитининг юқори даражасини ишчи ва хизматиларининг меҳнат қилишни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий кенгаши 6 май 1993 йил 840 – XII фармони билан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасини қонуни қабул қилинди. Бу қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан катъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди, ҳамда фуқароларнинг соғлигини ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг кодекси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қонуни билан муҳофаза қилинади деб тасдиқланган.

Меҳнат ҳуқуқлари давлат ташкилотлари, шунингдек қасаба уюшмалари ва бошқа жамоа ташкилотлари томонидан муҳофаза қилиб борилади.

Меҳнат интизомига риоя қилиш, халқ мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўрсатилган.

Ўзбекистон фуқаролари дам олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ишчи ва хизматчиларга 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтасини белгилаш билан таъминланади. Аммо зарарли меҳнат шароитларида ишлайдиган ишчи ва хизматчиларига кўпи билан 36 соатлик 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчиларга 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун эса 24 соатлик иш ҳафтаси белгиланган.

Зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида ишлаётган ишчилар соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган муддатларда дастлабки ва даврий равишда тиббий кўриклардан ўчиб туришлари керак.

Меҳнат муҳофазаси бўйича меҳнат қонунчилиги модда (ҚЗОТ) ларида мужассамлаштирилган ҳуқуқ меъёрлари, ўз ичига меҳнат муҳофазаси соҳасида назорат қилишни олади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси XII (211 – 223 моддалар) шу мавзуга бағишланган. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш қорхона ҳамда ташкилотларнинг маъмуриятига юқлатилади.

Маъмурият ҳаво муҳитининг қанглиниш ва газ ажратиш чиқиш, шовкин, титраш, нурланиш ва меҳнатнинг бошқа зарарли шароитларини қамайтириш ҳамда бартараф этиш учун ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришни амалага оширишга мажбур. Агар соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминланмаса, бирорта ҳам қорхона, цех бўлим ишлаб чиқаришга қабул қилинмайди ва фойдаланишга топширилмайди. ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги қўрилган ва таъмирланган қорхонани, бу қорхона устидан давлат санитария ва техник назоратни амалга оширувчи ташкилотларнинг ва қасаба уюшмалар техник назорат органининг ҳамда қорхонани фойдаланишга топширишга йўл қўйилмайди.

Корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти барча ўринларини керакли техник жихозлар билан таъминлаши ва бу ўринларда меҳнат муҳофазасининг коида ҳамда стандартларига мос келувчи меҳнат шароитлари яратилиши керак. Бундай коида ва стандартларни Ўзбекистон озик–овкат саноати концерни, вазирликлар, давлат назорати ташкилотлари, марказий касаба уюшмалари кўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқадиладар ва тасдиқлайдиладар.

Меҳнат муҳофазасига оид коидаларда маъмуриятга тегишли ва улар учун мажбурий бўлган коидалар кўрсатилган. Агар бу коидаларда ишни бажариш пайтида хавфсиз меҳнат шароитларни таъминлашга йўналтирилган талаблар тўлиқ бажарилган бўлмаса, корхона маъмурияти касаба уюшма ташкилоти билан келишиб хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи чоралар кўради. Корхона ва ташкилотнинг маъмурияти ишчи ва хизматчиларни ўқитиш ва йўл – йўрик ўтказиш, кўринадиган жойларга хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ишлаб чиқилган қўлланма осиб қўйилиши шарт.

Ишчи ва хизматчилар меҳнат муҳофазасига оид қўлланмаларга амал қилишлари шарт, бу қўлланмаларда ишларни бажариш тартиби ва ишлаб чиқариш хоналари ҳамда корхона чегарасида ўзини тутиш коидалари ёритилган бўлади.

Зарарли меҳнат шароитлари ва ифлосланиш билан боғлиқ бўлган ишларда ишчи ва хизматчиларга белгиланган коидаларга биноан текин махсус пойабзал, корхона, шахсий химоя воситалари, сут, собун берилади.

Уларни ишга қабул қилишдан олдин топширилган ишга ярокли эканлигини аниқлаш ва касбий касалликларнинг олдини олиш мақсадида албатта дастлабки тиббий кўрикдан ўтказилади ва бу кўриклар кейинчалик вақт – вақтибилан ўтказилиб турилади.

Аёллар меҳнатини огир ва имконият шароити зарарли бўлган ишларда, шўнингдек ер остидаги ишларда фойдланиш ман этилади.

Меҳнат қонунида хотин қизлар, айниқса хомиладор аёллар, ёш болалик аёллар меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилган.

Хомиладор ва ёш болалик аёлларни кечки ишларга, иш вақтидан ташқари вақтдаги ишларга, дам олиш кунларида ишга жалб этиш, хизмат сафарига юбориш тақиқланади.

Бир ёшдан саккиз ёшгача боласи бўлган аёлларнинг иш вақтидан ташқари ишга жалб этилиши ва хизмати ва хизмат сафарига юборилиши факат уларнинг розилиги билангина мумкин.

Шифокор маслаҳатига кўра хомиладор аёл вақтинча огир ишдан бошқа енгилроқ ишга ўтказилади ҳамда олдинги ўртача иш ҳақи сақланади. Болалик аёлларга боласи 3 ёшга тўлгунча қадар давлат томонидан белгиланган миқдорда нафақа тўланади.

Хомиладор аёлларга бола тутилишидан олдин ҳамда тутилгандан сўнг ҳар бири 56 кун меҳнатга пуллик таътил берилади.

Бундан ташқари ёш болалик аёллар пули тўланмайдиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Таътил давомида аёлнинг иш жойи, лавозими сақланади. Бир

ёшгача боласи бўлган ишлайдиган аёллар учун ҳар 3 соатда боласини овкатлдантириш учун 30 дақиқадан вақт ажратилади.

Хотин – кизлар огир юк кўтармасликлари лозим. Улар 20 кг токни текис йўлда 60 м масофага ташиб келтириш, иккита аёл бирлашиб 50 кг юкни кўтариш мумкин.

Мамлакатимизда устиринлар меҳнатини муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўсмирлар уюшмаси розилиги билан истисно тарзда 15 ёшдан бошлаб ишга қабул қилинадилар, 18 ёшдан кичик бўлган шахслар ишга қилинаётганда тиббиёт кўригидан ўтказилади, кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар йили ана шундай кўрикдан ўтказилиб турилади.

Балогатга етмаган ишчилар учун қискартирилган ишхафтаси белгиланган: 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар учун 36 соатли иш хафтаси, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун 24 соатлик иш хафтаси белгиланган.

Ўсмирлар тунги ва хизмат вақтидан ташқари бажариладиган ишларга ҳамда зарали иш шароитларида ишлашга жалб этилиши мумкин эмас. 18 ёшга тўлмаган ишчилар учун ҳар йили ёз пайтида тўлик бир ой давомида таътил берилади.

Ўсмирларнинг юк тушириш нормаси ҳам белгиланган: ўгил болалар учун 16,4 кг кизлар учун 10,25 кг юк кўтариш мумкин.

Балогатга етмаган ўсмирларни ноҳия ёки шаҳар балогатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясини розилигисиз бўшатиш ман этилади.

Озик–овкат саноати корхоналарида меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил этиш.

Охирги йилларда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш тўғрисида кўпгина ҳужжатлар қабул қилинган 1993 йил 6 май

№ 839 – XII, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон республикасининг қонуни қабул қилинди.

Шу қонунга асосланган ҳолда озик – овкат саноати вазирлиги шу соҳа марказий қасаба уюшмаси билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилишни ҳамма корхоналар учун умумий бўлган тармогини тасдиқлайди.

Озик – овкат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги жавобгарлик корхона раҳбарларига юклатилади.

Янги корхоналарда корхона раҳбари, бош муҳандис цехларда бўлимларда лаборатория шу цех бошликлари бўлимларининг бошликлари ва лаборатория мудирларига юклатилган.

Жавобгар шахсларга қуйидагиларни бошқариш топширилган.

1. Қасаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси шароитини яхшилаш тадбирлари ражаларини ишлаб чиқиш.
2. Қасаба уюшма ташкилоти билан меҳнат муҳофазасига доир қелишувни тузиш.
3. Ишлаб чиқариш биноларининг санитария ҳолатини назорат қилиш.
4. Ўзлари раҳбарлик қилаётган корхонанинг техника ҳавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси ҳолатини доимий равишда назорат қилиш.

5. Мавжуд коидага асосан жомакор кийимлар махсус оёк кийимлари махсус собун ва химоя мосламалари билан таъминлаш.
6. Шунчалар мухандис техник ходимлар ва маъмурий хўжалик ишидаги ходимларга хавфсизлик таълими бериш уларнинг хавфсизлик техникаси соҳасидаги билимларини текшириш.
7. Иш жойларини огохлантириувчи ёзувлар, шифлар ва бошқа техника хавфсизлиги қўлланмалари керакли адабиётлар билан таъминлаш.
8. Ишга қабул қилинаётган шахслар билан йўл – йўрик ўтказишни назорат қилиш.
9. Ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда хавфли жойларда махсус химоя мосламаларини ташкил қилиш.
10. Мавжуд коида ва қўрсатмаларга мувофиқ қозонли қурилмаларни, босим остида ишловчи, қурилмаларни назорат ҳисоблаш асбобларини ва юклаш транспорт воситаларини ўз вақтида текшириш ва рўйхатга олишни ташкил этиш.
11. Ишлаб чиқаришда содир бўлган батсиз ҳодисалар сабабларини ўрганиш ва текшириш
12. Берилган муддатда марохатланишлар ҳақидаги ҳисоботларни техника хавфсизлиги ва ишлабчиқариш санитариясига ажратилган маблағларни бериб туриш.

Ўзбекистон озик – овкат саноати концерни жумҳурият агросаноат давлат қўмитасида меҳнатни муҳофазасини ташкил этиш ишлари бўйича маъсулият вазирнинг биринчи ўринбосаридан бирига юборилади.

Ўзбекистон озик–овкат саноати вазирлигида махсус меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини назорат қиладиган бўлим мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Тошкент- Маънавият 2008,- 1766.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун қўлланма).-Т/ Янги аср авлоди, 2001.- 1766.
- 4.Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. -Т: 2001. – 68 с.
5. Авлиякулов Н.Х. Практические основы модульной системы обучения и педагогической технологии. Ўқув қўлланма - Бухара: 2001. - 99 с.
6. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Касб-хунар коллежларида касбий фанларнинг модулли ўқитиш технологиялари. Ўқув методик қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди, - 2003. – 88 с.
7. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган ритуаллар тизими (1-китоб).- Бобобеков Х., Давлетшин М.Г., Ишмухамедов Р.Ж. ва бошқ.-Т.: Фан, 1999.
- 8 Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб).- Бобобеков Х., Давлетшин М.Г., Ишмухамедов Р.Ж. ва бошқ.-Т.: Фан, 2005.
9. Баркамол авлод Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори -Т Шарқ, 1998.-646,
8. Вилсон Г., Макклафлин К. Языж жестов - путь к успеху - СПб: Издательство «ПИТЕР», 2000.
9. Дьяченко В.К. Организация структурьт учебного процесса и его развитие. -М,: Педагогика,1989.
10. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
11. Иулдошев Ж.Г. Янги педагогик технологиялар йуналишлари, муаммолари, ечимлари Халк таълими, 1999, №4.
12. Иулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари-Т 2001.
13. Ишмухамедов Р. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.: УДАП, 2004.
14. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
15. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби.Т.,2007.- 1226.
16. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. М.: Айрис-пресс, 2006.

17. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.-М.: «Знание»,1989.
18. Количенко А.К. Энциклопедия педагогических технологий. Пособие для преподавателей.- СПб.: КАРО,2005.-368 с.
19. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учеб. пос. для студ. пед. вузов и системы повнш. квалиф. пед. кадров Под ред.Е.С.Полат.-М.: Издательский центр «Академия», 2005.
20. Педагогические технологии. Учебное пособие/Авт сост Т.П.Сальникова - М.: ТЦ Сфера, 2005.
21. Радугин А.А. Педагогика. Учебное пособие для высших учебных заведений. М.: Центр, 2002.
22. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.:Молия, 2003.
23. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. СПб.: Питер, 2004.
24. Талмзина Н.Д. Управление процессом усвоения знаний. - М.: МГУД975.
25. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг таъликий асослари. - Т.; 2006.